

## ПАХТАЗОРДА МЕХНАТ НАВОСИ

# ҲОСИЛ ЧЎНГ, КАЙФИЯТ АЪЛО

Гулистон корпорацияси нафақат Юқори Чирчиқ тумани, балки Тошкент вилоятидаги энг йирик ҳужалиқлардан бири ҳисобланади. Корпорация деярли ҳар йили ҳамма соҳада режаларини урда келаяпти. Бунинг сабаблари нимада? Биринчидан ерлар қора tupроқ, серҳосил бўлиб, деҳқончилик учун жуда қулайдир. Иккинчидан, ҳужалиқ кишилари ниҳоятда меҳнаткаш. Ва ниҳоят бу ерда меҳнат тугри ташкил қилинганлиги муваффақият гарови бўлмоқда.

Тугри, ҳамма жойда булгани каби мазкур ҳужалиқда ҳам бозор иқтисодиётига мослаштириш дастлаб бирмунча қийин кечди. Ҳужалиқда ишлатилган техниканинг эскириб қолганлиги, уларга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ва бошқа муаммолар кундан-кун булганди ушунда. Ерга булган муносабат ҳам талабга жавоб бермасди. Ҳужалиқ раҳбарлари бошқарувни бозор муносабатларига мослаштириш учун тинмай изланишди. Мавжуд ер майдонларини ижарачиларга шартнома асосида бўлиб бериш аниқки уз мақсулди берди. Ҳужалиқ корпорацияга айлантирилиб, унга 7 та агрофирма бирлашди. Шуларнинг 4 таси деҳқончилик билан шуғулланади. Пахта майдони 753 нафар ижарачига бўлиб берилди. Шартнома мажбуриятлари қозғалди қилиб кетмаслиги учун унинг ҳар бир банди бажарилиши қатъий назоратга олинди. Натигада деҳқонларда ерга булган муносабат тубдан узгарди. Корпорация меҳнаткашлари бу йил ҳам мул ҳосил етиштиришди. Жумладан ҳужалиқда галла сотиш режаси қисқа муддатда ортиги билан бажарилди. Айни чоғда давлатга оқ олтин топириш жадал сурбатларда олиб борилмоқда.

Оқ олтин — 97

— Жорий йилда 1650 гектар майдонда пахта етиштирилди, — дейди корпорация кенгаши раиси Асқар Каримов. — Режа гектаридан 28,7 центнер. 260 гектар ердаги пленка қўлланган майдондан эса камда 40 центнердан оқ олтин олиш ниятимиз бор. Жами 4756 тонна пахта топирилиши керак. Шунинг 1340 тоннаси уруғликдир.

Пахтакорларимизнинг шашти баланд. Республика Вазирлар Мақамасининг «1997 йилда пахта йигим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тугрида»ги қарори уларнинг кучига-куч қўшди. Шу боис қисқа вақтда 212 тонна пахта топиришига эришилди. Бугун-эрта кунлик топириши 4 фойзгача етказиш ниятимиз бор. Қарорда белгиланганидек, қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 3,5 сумдан, баъзи жойларда ҳатто 3 сум 70 тийиндан ҳақ туланмоқда. Натигада баъзи ижарачиларимиз теримнинг биринчи кунларидаёқ режани урда келди. Корпорациянинг Жумабозор агрофирмасига қарашли 21-бригададаги Азим Ҳошимов ва Рузи Мақамов каби ижарачилари шулар жумласидан. Улар ўзларига бирикти-

рилган пахта майдонининг ҳар гектаридан биринчи теримдаёқ 33 центнергача ҳосил кутардилар. Қўлда йиғиштириб олинган оқ олтиннинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди.

Қарорда шу йил 1 сентябргача ҳужалиқларнинг моддий-техника базаси йигим-теримга тайёрлаб қўйилди ва мавсум юқори ташкилий даражада ўтказилиши таъкидланганди. Корпорация мавжуд 35 та пахта териш машинасини йигим-теримга тахт қилиб қўйди. Тугри, уларни мавсумга тайёрлашда шина етишмаслиги каби муаммолар тугилди. Лекин бу қийинчиликлар тезда бартараф этилди. Ҳужалиқда бу йил пахтанинг 2 минг тоннадан кўпи машиналарда териб олиниши керак. Шунингдек, курак териш ва чувиш машиналари, тиркамалар ҳам мавсумга вақтида тайёрланди. Пахтазорларнинг машина бурилиши жойлари бўлдо-зерлар ердамида текислашиб, уқариқлар кумилди.

Дефолиантлар ердамида гуза баргини сунъий тукиш тадбирлари уз вақтида амалга оширилди. Мавжуд пахта майдонининг асосий қисмида Дроп Ультра дефолиантлари ишлатилди. Бу эса уз навбатда сифатли дефолиацияни таъминлади.

Ҳақиқатдан ҳам корпорация пахтакорларининг кайфияти баланд. Биз бунга Усмонов агрофирмасининг 3-бригадада бўлганимизда тула ишонч ҳосил қилдик. Жамоа сардори Шоир Ҳамидов 10 йилдан бери бригада бошлиғи бўлиб ишлаб келар экан. Шу йиллар мобайнида жамоа бирон йил ҳам режасини бажармасдан қолмабди. Бригада жамоаси бу йил юз гектар майдонда пахта етиштирди. Шуниси эътиборга лойиқки, ана шу майдонларнинг ҳаммасида чигит пленка остига экилди. Бригаданнинг Рилдик Ҳамидова, Орипа Шоахмедова каби ижарачилари гектаридан 32,5 центнердан оқ олтин йиғиштириб олиб, режани бажариб қўйишди. Ҳозирги кунга келиб бригадада терилган пахта 100 тоннадан ошиб кетди. Бунда Меҳри Шожамилова, Ҳабиба Абдукаримова сингари илгор теримчиларнинг ҳиссалари катта. Бригадининг максиди биринчи теримнинг узиде режани 90 фойзга етказиш. Айни кунларда бу ерга жалб қилинган 300 нафар теримчи ана шу мақсадни рўйга чиқариш учун кун буйи пахтазорда тер тукишмоқда.

Умуман корпорацияда теримчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Ҳозирги кунда ҳужалиқда 18 та шийпонлар мавжуд. Улардаги гигиена хонаси, телефон, рация, пахта қуригидан майдон ва бошқа ускуналар пахтакорлар хизматида. Шийпонларнинг деярли ҳаммасида ноз-неъмат етиштириладиган ер участкаси мавжуд. Шу боис уларда ез буйи иссиқ оқват ташкил этиляпти. Буларнинг ҳаммаси суръат юқори булишини таъминламоқда.

Гулном ЮСУПОВ,  
«Кишлоқ ҳаёти» муҳбири.



Пахта эрта ва чамандек очилиб деҳқон қалбига завқ-шавқ бағишлади. Жумладан, бу йил Қорақалпоғистон Республикасининг кўпгина ҳужалиқларида ҳам мул ҳосил етиштирилди. Бунинг Элдикқалъа туманидаги «Қилчинок» фермер ҳужалиқлари ассоциацияси далаларида ҳам кўриш мумкин.

— Дур қанча кўп бўлса теримчи гайрати шунча жушаверар экан, — дейди табассум билан ҳужалиқнинг илгор теримчиси Зулфия

### ПАХТАЗОР МАЛИКАСИ

Курбонбоева. — Баҳордан бўён қилган астойдил меҳнатимиз зое кетмади. Раҳбар ва мутахассисларнинг фикрича пахтазорларда режани ошириб бажарилган даражада ҳосил тўпланган. Энди шунинг тез саранжомлаб олиш ҳаракатидамыз. Кузнинг очик ва қуёшли келган кунларида унумли фойдаланб кунига хирмонга 100 килодан ошириб зар топираяман. Моддий манфаатдорлик ҳам шунга яраша юқори бўлаёттир.

Ҳа, қаерда меҳнаткашга шарт-шароит яратилган бўлса, иш ҳақи вақтида тўланса мавсум кўтаринкилиги давом этаверади. Кўзланган марралар забт этилиб, миришкор қувончига қувонч қўшилверади. Пахтакор қизлар чехрасидаги табассум шодибандан нишондир. Илойим юртимизда шундай кунлар аримасин.

СУРАТДА: жамоа фахри  
Зулфия Курбонбоева.  
А. МУРОТОВ олган сурат  
(УзА).

### ПУДРАТЧИЛАР ТУҲФАСИ

(Муҳбиримиз А.Қорабоев телефон орқали хабар қилади)

Турақургон туманидаги «Турақургон» жамоа ҳужалиқи миришкорлари бу йил янги узлаштирилган 444 гектар майдонда оқ олтин етиштиришди. Қилинган астойдил ҳаракат самарасини кўрсатди. Далаларда мул ҳосил унди. Айни кунларда йигим-терим ишлари қизгин.

Экин майдонлари пудратчиларга бўлиб берилгани деҳқон моддий манфаатдорлигини оширишда асосий омил бўлди. Бу эса заршуносни баракали ҳосил етиштиришга илҳомлантирди. Ҳайдарали Тоштемиров бошчилик қилаётган бригада пудратчилари Бахтиёр Шарофидинов, Маҳмуджон Ҳақназаров шартномани биринчи рақорда уринлатишди. Улар тасарруфлидаги пахтазорда ҳали ҳосил мул. Азаматлар шартномага қўшимча яна гектаридан 6-8 центнердан хом ашё топириш ниятида.

Шунингдек, Ҳайдарали Ҳотамов стачкилигидаги бригада пудратчиси Шукрулла Сайдуллаев ҳам зафар маррасига етди. Уста пахтакор имкониятини чамалаб, яна 1400 килограмм пахта териб бериш учун гайрат кўрсатмоқда.

### МАРРА ЭГАЛАНДИ

Бешарқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳужалиқининг Ҳолматжон Кимсанов бошлиқ ижарачи звеноси аъзолари 8 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33,5 центнердан хирмон кўтариб, йиллик режани бажардилар. Бу ютуққа чевар теримчилардан Мунира Отабоева, Оризон Султонова қабилар кунига 150-200 килограммдан пахта териб муносиб ҳисса қўшдилар. Жамоа заршунослари ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун астойдил тер тукишмоқда.

Шунингдек, ҳужалиқнинг Бекназар Деҳқонов бошлиқ звеноси ҳам биринчи теримдаёқ 33,4 центнердан ҳосил топириб, маррани забт этди. Илгор жамоа яна 17 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олмақчи.

Тумандаги «Рапқон» жамоа ҳужалиғида эса 3 минг нафар теримчи йигим-теримда қатнашмоқда. Шу боис ҳужалиқда ҳар кун 10 фойздан пахта топирилимоқда.

М. РАҲИМОВ.

## ХИРМОНГА БАРАКА

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА  
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1997  
ЙИЛ 22 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН  
МАЪЛУМОТ

(Фойз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бўён
Хоразм	2,51	62,90
Андижон	2,36	54,39
Сурхондарё	1,69	42,86
Қорақалпоғистон Республикаси	1,69	32,62
Фарғона	3,46	30,40
Бухоро	2,14	27,74
Қашқадарё	2,78	25,38
Наманган	2,53	25,33
Самарқанд	2,73	24,40
Навоий	2,12	18,13
Сирдарё	1,57	14,05
Тошкент	1,35	11,10
Жиззах	1,30	8,70
Республика буйича	2,20	30,00
1996 йилда	2,44	26,10

### ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА

	(тонна ҳисобида)	
Сурхондарё	1465	30232
Қашқадарё	175	1186
Республика буйича	1640	31418
1996 йилда	1121	12629

## ҲАШАРЧИЛАР БИР ЁНДА...

Ҳозирги кунда республикамизнинг қайси бир пахтакор ҳужалиғига борманг оқ паркуга бурканган далаларда басма-басига ишлатилган теримчиларни учратасиз. Улар мамлакатимиз улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ана шундай меҳнат суруни Сирдарё туманидаги «Ҳақиқат» жамоа ҳужалиғи пахта пайкаларида ҳам қизгин давом этмоқда.

Ҳужалиқ аъзолари бу йил 841 гектар майдонда гуза парваришлаб, давлатга 2 минг 130 тонна оқ олтин етказиб беришга аҳд қилишган. Деҳқонларнинг ишбилармонлиги туфайли барча бригадаларда мул ҳосил етиш-

тирилди. Ҳужалиқнинг София Каримова, Ҳасан Қўшназаров, Мансур Аҳмедов, Сайфот Ғофуровлар етакчилиқ қилаётган бригада заршунослари теримни биринчи бўлиб бошлаганлиги туфайли туман оқ олтин қаровига қўшган ҳиссалари баракали бўлди.

Ҳозирги кунда йигим-теримда 1000 киши фаол иштирок этаёпти. Жамоа аъзоларидан Ҳабиба Шаҳмонова, Маҳбуба Тешабоева, Ойбуви Ғафорова, Моҳири Курбонова, Умида Каримова сингари дала фидойиларининг ҳар бири кунига 100-120 килограммдан дур териб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.

Айни кунларда ҳужалиқ далаларида Сирдарё тегило-

возларни таъмирлаш депозити, шиғоҳона, вино заводи, мактаб, поликлиника каби 20 дан ортиқ корхона ва ташкилотлардан кумакка келган ҳашарчилар ҳам заршунослар билан ёнма-ён туриб оқ олтин термоқдалар.

Далада ишлатилганларнинг ишлари унумли булиши учун шийпонларда барча шарт-шароит яратиб берилган. Теримчиларнинг иш ҳақлари ҳар беш кунда бериб бориляпти.

Машинага ажратилган майдонларни «Дроп-Ультра» кимёвий воситаси билан баргизлантириш ниҳоясига етказилган. Ҳадемай 12 та пахта териш машинаси хирмонга барака қиритди.

Ўзбекистон Республика-

си Вазирлар Мақамасининг «1997 йилда пахта йигим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тугрида»ги қарориде белгиланганидек, қўлда терилган бир кило пахта учун 3,5 сумдан ҳақ туланаётганлиги заршуносу ҳашарчиларни хушнуд этмоқда. Ҳар ким меҳнатига яраша рағбатлантириб берилмоқда.

— Миришкор деҳқонларимиз жорий йил хирмони ни баракали булишига катта масъулият билан киришдилар, — дейди ҳужалиқ бошқаруви раиси. — Айни кунларда далаларимизда ишлатилган ҳар бир касб соҳиблари чаноклардан мисқоқлаб терилган пахталарни тезроқ хирмонга топириш мақсадида суръатни тобора оширмоқдалар.

Э. ҲАСАНОВ.

### ЕХХТ ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИ КЕНГАЙТИРИЛГАН БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ ВА «МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА КАВКАЗДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ҲАМДА СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА ГУМАНИТАР МАСАЛАЛАР» СЕМИНАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Барчангизни Тошкентда самимий қўллашга ҳамда анжуманингиз минтақавий тараққиётининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга узининг амалий ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдиришга ижозат этаёғиз.

ЕХХТ қатнашчиси бўлиш Ўзбекистон ана шу ута бообру халқаро ташкилот фаолиятига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Биз ЕХХТга жиёлаштирувчи гузилма сифатида қараймиз. Бу ташкилотнинг ноёблиги шундаки, унинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлиқлар ҳамда улар хавфсизликнинг умумийлиги тамойилига оғишмай амал қиладилар.

XXI асрда хавфсизликнинг янги моделини яратиш гоёси, шунингдек хавфсизлик тушунчасининг узини кенгайтириш концепцияси айнан ЕХХТга тегишлидир, бу ҳозир Тошкентда уюлган семинар номида ҳам уз аксини топган.

Анжуманингизда муҳожима этилаётган муаммолар биз учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биргаликда ҳаракат қилиш билангина хавфсиз дунё ва адолатли тинч-тартиботни қарор топтириш мумкинлигини барча англаб етишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Европа билан Марказий Осие инттеграциялашуининг фаол тарафдоридир. Биз муштарак сиёсий ва иқтисодий маконимизни мустақамлаш бориб, жаҳон миқёсдаги тараққиёт муаммоларини ҳал этишга ердм бермоқдамиз, минтақда ижтимоий ва гуманитар муҳитни яхшилашга кумакланмоқдамиз.

Ҳозирги шароитда, XXI аср бугагасида халқаро сивестнинг марказига тобора кўпроқ кириб бораётган Марказий Осие ва Кавказ мамлакатларининг аҳамияти беқисе ортиб бормоқда. Айни вақтда уларнинг жаҳон коммуникация алоқаларида узига хос, асосий марказ сифатидаги роли кучаймоқда, тинчлик жаранларининг глобаллашуини белгиловчи асосий транспорт, энергетика ва алоҳот йўллари мазкур мамлакатлар орқали ўтмоқда.

Марказий Осие ва Кавказ хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиёт минтақалари була олади ва шундай булиши ҳам керак. Бунга баҳамжиҳат саъй-ҳаракатлар билангина, жаҳон ҳамжамиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ердамида эришиш мумкин.

Худди шунинг учун ҳам биз хавфсизликнинг умумийлиги асосий тамойилини тула қўллаб-қувватлаб, Марказий Осие ва Кавказнинг усиб бораётган жуғрофий-стратегик мақецини, иқтисодий салоҳиятини, улкан хом ашё ва инсон ресурсларини, шунингдек бу жадал ривожланиб бораётган минтақалардаги хавфсизликка давлатларни инобатга олган ҳолда, ЕХХТ ва унинг асосий тузилмаларининг бу минтақалардаги фаолиятини янада кучайтириши еқлаб чиқмоқдамиз.

Сизларнинг анжуманингиз муштарак мақсадга эришиш — барча мамлакатлар ва минтақаларнинг хавфсиз ва барқарор ривожланишига, сайёрамизнинг ҳамма жойида тинчлик ва фаронглик қарор топишига эришиш йўлида яна бир муҳим қалам бўлиб қолади деб ишонаман.

Анжуман ишига муваффақият ва самара тилайман.

ИСЛОМ КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

### Матбуот сузининг таъсири

## ЎНГЛАНИШ САРИ

«Кишлоқ ҳаёти» рўномасида «Чорвачилиқда ўсиш, у нима ҳисобга бўлаёттир?» сарлаҳали мақола чоп этилганди. Унда республикамиздаги виллоятларда чорвачилик ҳуусий тармоқда тез ривожланиб бораётганлиги кўрсатилган, айрим виллоятларда жамоа фермаларида эса тармоққа панжа орасидан қаралаётганлиги танқид остига олган эди.

Кунди кеча тахририят ишбу мақолага Сурхондарё ҳокимлигиндан жавоб хати олдиди. Унда қуйидагилар билдирилган.

Газетамизнинг 1997 йил 29 июль сониде чоп этилган танқидий мақолада Ангор туманида чорвачилик соҳасида йул қўйилган камчиликлар руй-рост очиб ташлангани эътироф этилди. Айни кунларда танқиддан тугри хуоса чиқарилиши ҳолда виллоятда чорва моллари бош сонини кўпайтириш ва мақсулди ишлаб чиқариши ошириш, чорвачилик соҳасини ривожлантириш борисида барча имкониятлар ишга солинимоқда. Чорвачилик асосий ҳисобланган ем-хашак базасини мустақамлаш учун бир қанча тадбир қурилди.

Виллоят бўйича бу йил утган йилнинг шу даврига нисбатан тухум ишлаб чиқариш 64 минг донага, ҳар бош сизгирдан сут соғиб олиш 50 килограммга, бир товудан тухум олиш 21 донага, давлатга топирилан қорамолнинг уртача тирик вазни 14 килограммга, майда молларнинг уртача тирик вазни 2 килограммга ошди.

Шунингдек, утган йилга нисбатан ҳар 100 бош она қуй ва эчкидан қўзи-улоқ олиш 7 бош, ҳар 100 бош сизгирдан бузоқ олиш 2 бош кўпайишига эришилди.

Чорвачилик соҳасини яхшилаш борисиде тегишли чора-тадбирлар изчил қурилади.

Сурхондарё виллоят ҳокими Ж. НОРАЛИЕВ.

### ТЕЗКОР ЧОРАЛАР САМАРАСИ

Сизларнинг сути унинг емишига боғлиқ. Бунинг учун чорвадорлар тури хил, ширали озуқа жамғаришлари керак. Афсуски, айрим туман, жамоа-ҳужалиқларида чорва моллари учун ем-хашак тайёрлашга етарли эътибор берилмаётти. Натигада сут ва сит мақсулоти ривожланишга камийиб кетмоқда. «Кишлоқ ҳаёти» рўномасининг 1 июль сониде чоп этилган «Натига имконият даражасида эмас» сарлаҳали мақолада айрим виллоятларда озуқа жамғаришга етарли эътибор берилмаганлиги танқид қилинган эди.

Жумладан, Хоразм виллоятида ўтган йилга нисбатан 7,5 минг тонна кам озуқа жамғарилган. Виллоят ҳокимлиги юқоридеги танқидий мақолага қуйидаги мазмунда жавоб хати йўллаган.

«Кишлоқ ҳаёти» газетасининг «Натига имконият даражасида эмас» сарлаҳали мақоласиде Янгибозор ва Қўшқўтум туманларида ем-хашак тайёрлаш топириши бажарилаётганлиги тугри танқид қилинган.

Виллоят кишлоқ ва сув ҳужалиғи бошқармаси мутахассислари жойларда ҳужалиқ раҳбарлари ва мутахассислар билан мақолада келтирилган камчиликларни пухта таҳлил қилдилар. Дағал хашак тайёрлашга эътиборни кучайтириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиландилар. Қурилан тезкор чоралар натигада шу йилнинг 1 сентябрь кунигача Қўшқўтум туманида 10450 тонна, Янгибозор туманида 7600 тонна дағал хашак жамғарилиди. Бундан ташқари туманларда сенаж, силос тайёрлаш ишлари жадаллаштирилмоқда. 1997-98 йилги чорва қишлоқини беталофат ўтказишга пухта замин яратилмоқда.

Виллоятда чорва моллари учун етарли миқдорда озуқа тайёрлаш учун барча имконият мавжуд.

Хоразм виллоят ҳокимининг биринчи ўринбосари  
Ж. УТАМОВ.

## Ислоҳот инсон хизматида

Жорий йил Сурхон деҳқонлари учун омадлик келди. Фидойи меҳнат, омилкорлик ўз самарасини берапти: вилоят бўйича давлатга 215.800 тонна галла сотилиб, бу борадаги режа зиддаси билан адо этилди. 18.500 гектар пахта майдонларида Андижон технологияси қўлланилганлиги ва бошқа тадбирлар туфайли ҳар қачонгидан мўл пахта ҳосили етиштирилди. Шу кунларда барча хўжалиқларда йигим-теримда ялпи сафарбарлик таъминланган. Бирин-кетин бригадалар, звенолар зафар маррасини эгалламоқдалар. Бепойи пахтазорларда жўшқин меҳнат мароми авжда.

## «БЕШ ҚАҲРАМОН» НАМУНАСИ

Уфққа туташган кенг пахтазор. Луппи-луппи бўлиб очилган пахталарни куриб қалбингиз жунбушта келди. Кутаринки кайфиятда дур йигиштиратиларнинг юзларида табассум. Суръат кун сайин ошиб бормоқда. Вилоят бўйича пешқадамлар сафида бораётган Қумқурғон туманидаги «Беш қаҳрамон» жамоа ҳужалиги кунига йиллик режанинг 3 фоизидан ошириб пахта топирапти.

Вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати, яқиндагина «Меҳнат шўхрати» ордени билан мукофотланган Жура Норалиевни ҳам шу ерда учратдик.

— Мухтарам Президентимиз Сурхондарёга сафари чоғида ҳамжиҳатлик, омилкорлик ва ташаббускорликка алоҳида эътибор бериш лозимлигини ўқитган эдилар, — дейди ҳоким. — Бу барчамиз учун қатъий шioriга айланди. Шу кунларда омил ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йигим-терим мавсумини ташкилий равишда утказиш чора-тадбирлари туғрисида»ги қарори асосида аниқ ишлар амалга оширилаётганлиги туфайли мавсумда суръат ва сифатта эришилмоқда. 10 сентябрь кунини ҳужаликнинг 5 та йирик бригадаси зафар кучди. Мавсум қаҳрамонлари Абсамат Каримов, Рузи Чориев, Холбой Турсунов, Малика Каримова каби омма етакчилари шахсий ибратлари, ташаббускорликлари билан йигим-терим ишларига жўшқинлик бахш этишяпти.

Ҳужалик раҳбари Файзи Маматмуродов айниқса моҳир бригада бошлиғи Аваз Холмуминовдан миннатдор. У янги «Термиз-32» чигит навини синовдан утказишга аҳд қилди. Йил бўйи тиним билмади. Биринчилардан бўлиб Андижон технологиясини қўллади. Натигада ҳосил 20 кун барвақт етилди. Биринчи теримдаёқ ҳосилдорлик 30 центнердан ошди. Қабул пунктларига элитилган хом ашёнинг ҳаммаси олий нав деб топилди. Бу катта даромад демакдир!

Аваз Холмуминов бригадаси даласига борсангиз режа бажарилган бўлса-да, ҳосил чўгини куриб хайратланасиз. Бундай барака ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Карант, ҳар тулгуз уртача 40 талдан кўсақ туккан... Бригадир шу боис иккиланмай ҳосилдорлик 70 центнер бўлади деб баралда таъкидламоқда. Кунига 180-200 килограмдан пахта тарафтан Норпоиша Чориевнинг ҳечраси гулгун:

— Барака кайфиятга, моддий манфаатдорликка боғлиқ, — дейди у, — беш кунда 5 минг сум ҳақ олдим. Бундан ташқари рузгор учун зарур бўлган неъматлар — ёғ, ун, макорон ва бошқаларни даланинг узида тарқатишяпти. Сидқидил тер тукканга мумай даромад олиш учун барча имконият яратилган.

Ҳужаликда ҳар бир тадбир устидан қатъий назорат урнатилган. Йигим-теримда 2,5 минг киши иштирок этапти. Ҳосилдорлик белгиланганидан 7 центнер кўп. Юксак хирмон яратиш жамоа ҳужалиги асл деҳқонларининг қатъий аҳдидир!

## УСТОЗУ ШОГИРД ЕЛҚАДОШ

Сафар Бойматов номли жамоа ҳужалиги деҳқонлари 2 минг гектар ерда пахта етиштиришди. Шароит мураккаб. Сабаби барча экин майдонлари икки-уч кутарма насослар орқали сугориллади. Боз устига баъзи майдонлар берч, тошлук. Кузланган ҳосили олиш учун раҳбару мутахассисларда билим, тажриба, ташкилотчилик етарли бўлиши керак. Бунга бошқарув раиси Эргаш Жумаев муваффақиятга улдасидан чиқмоқда. Бирор йил йўқки, бу ерда режа бажарилмаган бўлсин. Заршуносларнинг таъкидлашларига, мураббий ҳар бир бригада ер шароитини, имкониятини яхши билади. Меҳнатчиларнинг турши турмуши, орзу илтишларини билан мунгазам қизиқали. Яхшиларни қўлидан келганича эъозлайди. Эргаш ака шу кунгача 40 дан ортқ шогирд тайерлади. Улар айни кунларда туман ва вилоятлардаги ҳужалиқларда меҳнат қилмоқдалар.

Ҳужалик деҳқонлари давадат. Галлачилик, пахтачилик, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириб катта даромад эгаси бўлишмоқда. Бу ерда ҳар бир киши ҳал қилувчи дамларда вақт билан ҳисоблашмай ишла-

## АНДИЖОН ТЕХНОЛОГИЯСИ ФИДОЙИЛАРИ

Узун туманидаги Б. Очилдиев номли жамоа ҳужалиги тоғолди зонасида жойлашганлиги учун пахта ҳосили нисбатан кеч етилди. Бунинг устига замин ҳам деҳқон орау қилган даражада унумдор эмас. Шунинг учун баъзи йиллари ҳужалик йиллик режани судралиб бажарарди. Вилоят ҳокимлиги Андижон технологиясини пухта урганиш ва уни намунали жорий этиш тақлифини уртага ташлади. Олтинкул туманига турт нафар мутахассис юборилди. Янгиликни жорий этишда ҳужалик раҳбари И. Очилдиев жонбозлик кўрсатди. Мавжуд пахта майдонларининг 500 гектарига пленка остига чигит экилди. Истиқболли усул маблагни тежаш ва энг муҳими мул, эртаги, арзон ва сифатли ҳосил етиштириш имконини берди. Раиснинг таъкидлашича, авваллари бегона утлар бош

тоштириш режасини бажарган Х. Исмаев бошлиқ жамоага аjoyиб қорабайир от соғва қилдишган экан. Мукофот барчани унумли меҳнатта чорламоқда.

## КУНИГА 11 ФОИЗДАН

Республика Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилда пахта йигим-терим мавсумини ташкилий равишда утказиш чора-тадбирлари туғрисидаги қарорига биноан қўлда терилган бир килограмм урта толали пахта учун камид 3,5 сум, ингичка толали пахта учун камид 4,5 сум ҳақ тулаш белгиланган. Жура Эшмиров номли ҳужаликда бу курсатмаларга қатъий амал қилинмоқда. Теримчилар иш ҳақи ҳар беш кунда маҳтал қилмай бериб боришмоқда. Сунгги беш кунда заршуносларга 1 миллион сум тарқатилди. Узун тумани бўйича эса бу курсаткич 13 миллион сумни ташкил этди.

Шокиржон Абдуҷалилов бошлиқ бригада даласидамиз. Аҳил жамоа мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, кунига йиллик режанинг 11 фоизи миқдорда пахта топирапти. Бунақаси ҳали бўлмаганди. 350 нафар теримчи юқори курсаткичга эришмоқда. Рўйхатга куз югуртирамиз. Новотой Бердиева, Сожида Обидова, Хурсаной Алиева-лар 12 сентябрьгача 3-4 тоннадан хирмон уюшибди. Туман

ортқча даббасиз, бақир-чақирларсиз уюшқоқлик билан утказилмоқда. Сафар Еров, Тухтабиби Хайитова, Иноятилло Розиков, Нурдла Аҳмедов бошлиқ жамоалар биринчи марта 20 сентябрьгача доvon ошди. Бу иқтисодий ислоҳот ва иқтисодий манфаатдорлик шарофатидир!

Узун туманида янгиликларга уч ташаббускор кўп. Бу йил узунликлар давлатга белгиланганидан 1700 тонна кўп галла сотишди. Бир ярим йил ичида туман марказида 200 миллион сумга яқин капитал маблаг узолаштирилди. Замонавий маланий-маиший муассасалар, савдо шаҳобчалари, оромгоҳлар бунед этилди. Биргина Эшмиров номли ҳужаликда маиший хизматнинг 16 тури мавжуд. Шунингдек, қисқа муддат ичида турт-та гузар ишга туширилди. Шу боис узунликлар тажрибаси вилоятга кенг еилапти.

## САЙҲОН МЎЪЖИЗАСИ

Жарқурғондаги «Халқобод» жамоа ҳужалигида сурункасига уч йил режа бажарилмади. Шароит мураккаб, муаммолар болаб кетганлиги учун раис буламан деган мард топилмади. Туман ҳокимлиги тавсиясига кура ишлаб чиқаришда бой тажриба тулган, ташкилотчи Омон Ахатов бошқарув раиси этиб сайланди. Раҳбарга кўп нарсга боғлиқ эканлигини одамлар шунда сезишди. Чунтақ камбағал бўлса-да, елиб-югуриб, йўқдан йўндириб чуқуварларнинг турмуш шароитини яхшилашга муайян даражада эришилди. Энг муҳими, янги раҳбар пахтакору галлакор, боғбону соҳибкор қалбда ишонч, иштиёқ утини ёқди. Ҳамжиҳатлик, омилкорлик, ташаббускорлик юзга келди. Шу боис бу йил ҳужалик республикада биринчилардан бўлиб давлатга галла сотиш режасини зиеласи билан бажарди. Чул шароитида ҳосилдорлик гектарига 40 центнерни ташкил этди!

Чул даргалари Абдуҷаббор Эшназаров, Мамажон Пиримқулов бошлиқ бригадалар эса гектарига 28 центнер урғинга 52-57 центнердан сара лон сотишга муваффақ бўлдилар. Ҳозирги кунда пахта йигим-теримда ялпи сафарбарлик таъминланган. Юқори суръат ва сифатни таъминлашда Абдураҳмон Тухташев, Дониер Момоназаров, Зиеддулла Умаров, Тошқувват Бозоров, Бегмат Суёнов каби омилкорлар етакчилик қилаётган жамоа аъзолари намуна. Худди шу жамоалар сунгги беш кунликда мукофотни қўлга киритдилар.

Андижон технологияси муваффақиятли қўлланилганлиги боис йигим-теримга одатдангидан 20 кун барвақт киринилди. Бу ерда кунига йиллик режанинг урта ҳисобда турт фоизи миқдорда пахта топирилмоқда. Ниятлари сентябрь ойида оқ олтинни йигиштириб олиб, галла экишга жадал киринишдир.

Халқободликларга барча тасаннолар айтмоқда. Ахир, юз фоиз экин майдони 28 насос орқали сугориланган, одамлар қатнаб ишлайдиган Сайхон массивида бу даражада юқори курсаткичга эришиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди.

Сурхонларе далаларида ҳаёт қайнади. Дақиқалар қалрита стаётган ҳар бир теримчи, механизатор, ҳашарчи воҳанинг улкан оқ олтин тоғини иложи борича тезроқ тиклаш ишга муносиб ҳисса қўшиш учун жонбозлик курсатиб ишламоқда.

Мирғиёс ҚАЙМОВ.



Суратларда: пахтазор лавҳалари. Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

# ДАЛАЛАРИДА

шад. Ҳозир пахта теримида 4 минг киши иштирок этмоқда. Кунига режанинг 3 фоизидан ошириб пахта топириляпти. Эргаш ака таълимини олган Раззоқ Тоғаймуродов, Хунбоқ Жураев, Норбой Чориев каби бригада бошлиқлари ҳосилдорликни гектарига 5 центнерга ошириб, фақат юқори сифатли хом ашё топиришмоқда. Ханифа Остонова, Майрам Хидирова, Гули Хужамуродовалар сунгги беш кунликда энг юқори курсаткичга эришибди. Ҳар бирлари кунига урта ҳисобда 170 килодан дур йигиштиришибди.

Қумқурғон тумани ҳокими Абдулло Мавлонов мазкур ҳужаликда ойлик еки бирин-бир таъминот масаласида ҳеч қачон, ҳеч қандай қийинчилик бўлмаганлигини мамнуният билан таъкидлайди. Боис ҳужалик раҳбару мутахассислари бозор шароитида ишлашни урганиб олишган. Кўплари ўқиб билим ва маҳоратларини оширишяпти. Шу туфайли Сафар Бойматов номли ҳужалик кенг тармоқли, иқтисодий жиҳатдан бакуват ҳужалиқлардан бирига айланди.

Авваллари Қумқурғон деҳқонлари етиштирган пахта узоқдаги пахта тозалаш заводига элитиб бериларди. Шубҳасиз бу маҳсулот таннариҳига таъсир қилаётганди. Омилкор кишилар саби-ҳаракати билан туманда пахта тозалаш заводи куриб ишга туширилди. Э. Жумаев номли ҳужалик эса яхшигина пахта қабул қилиш пунктга эга бўлди. Мавжуд 26 та дала шийони деҳқон оромгоҳига айлантирилган.

Иқтисодий ислоҳот шарофати, бободоҳқон шижоати туфайли қумқурғонликлар бу йил давлатга 18.450 тонна галла сотдилар. Бу режадангидан 1,5 минг тонна кўпдир. Сафар Бойматов номли ҳужалик эса белгиланганидан 700 тонна кўп дон топиришди. Шу кунларда эса туманининг 28 минг тонналик оқ олтин хирмонини тезроқ бунед этиш учун барча куч, имконият сафарбар этилган.

кутариб заршуносни шопиштирарди. Пленка бегона ут босишга имкон бермади. Айни пайтда ернинг намини узоқ вақт сақлаб турди.

Алоҳида ажратилган майдонларда чунонам ҳосил етилдики, куриб тасанно айтасиз. Гузаар ҳосилни кутаролмаётгандек гўё. Кунига йиллик режанинг 4,5 фоизи миқдорда пахта топирилмоқда.

Ҳужаликда йигим-теримда иштирок этаётганларга қулайлик яратилган. Шу кунгача арзон нархда 50 тонна ёғ тарқатилди. Бошқа неъматлардан ҳам қийинчилик йўқ. Мафтункор далаларда 2 минг киши баракали меҳнат қилмоқда. Кунини кеча Б. Очилдиев номли жамоа ҳужалик кўнлик суръатда 5 фоизга чиқди...

## МУКОФОТГА ҚОРАБАЙИР

«Гулистон» жамоа ҳужалигида Хуррам Исмаев номи алоҳида хурмат билан тилга олинмоқда. Боис у бошлиқ бригада мавсумда биринчи бўлиб галабага эришди. Ҳосилдорлик қариб 45 центнерга етди. Ниятлари бу курсаткични 52 центнердан ошириш. Бошқарув раиси Абдуқаҳор Ашуровнинг ҳикоя қилишича, бу йил баъзи мутахассислар, бригадирлар Андижон технологиясини қўлашга жазм қилишолмади. Бироқ Хуррам ака узи анъанасига содиқ қолди. Асосий майдонларга пленка остига чигит қалади. Мана энди унга ҳаммининг ҳаваси келаяпти. Ҳосилдорлик гектарига қариб 15 центнерга ошмоқда. Шунинг ҳисобидан ҳамда хом ашёнинг юқори сифатли бўлишидан катта даромад олиш кўтилмоқда. Теримчиларнинг қўлига-қўли темайди. Кунига катта хирмонга 200-220 килограмм пахтаси билан улдуш қўшаётган Чарос Шукурова беш кунда 7 минг сум иш ҳақи олди. Хуррам Исмаев бошлиқ бригада дала шийонига келганимизда қувончли воқеанинг устидан чиқдик. Туман ҳокими Сафар Ҳасанов ва ҳужалик бошқаруви раиси Абдуқаҳор Ашуровлар вилоятда биринчилардан бўлиб пахта

# КЎПНИНГ ДУОСИ

Республикамиз мустақиллигининг 6 йиллик муборак тўйи кенг нишонланди. Ҳамон кунгилларни байрамона фарахбахш туйулар тарқ этгани йўқ. Ана шундай шукхли кунларда халдан деҳқонлар ҳузуринга ошиқаман. Истиқлолимизнинг жорий йилдаги дастлабки ҳосили — луппи-луппи очилган пахта чаноклари деҳқон меҳнати самарасини бамисоли юлдузлардай чарақлаб эгалларда куз-куз этиди. Заршунослар захмати эрта-инди сарбаланд хирмонларда — уз соҳибига олам-олам қувонч бағишлаб, ганимат даҳзаларда устувор буй курсатади. Шулари халем, кўзусида аке этирарканман, икки ойча олдин окла-

релик талбиркор раис Норқузи Қаршиевнинг бир тулгузани қувонч ва ифтихор туйуси билан куз-кузлагани, даяфтан, едимга тушди. Уша кунини илоҳинг йигирма тўққизинчи санаси эди. Очилиш, давраларга ҳайратини яширолмади. Ҳаммамиз бир-бир... уша бир тулгузашохлариди қўсақларини санашга тушиб кетдик. «Бир, икки, уч... ун етти!» Демак, ҳали терим бошлангунча... яна қанча-қанча шоналар гулга, гуллар эса кўсақка айланади! Илоё, деҳқонларимиз умридан ҳам, меҳнатидан ҳам барака топишсин!!

250 гектар майдонда эса янги-ча, яъни Андижон усулида гуза парваришлаб, мавжуд пахта майдонларида мўл-кўл ҳосил тулланди. Раис Норқузи Қаршиев бизга курсатган уша бир тулгуз эса пленка остига чигит экилган даланинг кўт-баракали ҳосилидан бир нишона эди.

— Далаларимизда чаноклар бодроқ-бодроқ. Ал-лақачон теримни бошлаб юбордик, — дейди раис Норқузи Қаршиев. — Ҳосилдорлик бу йил 45 центнердан кам бўлмади. Айрим бригадаларимизда эса бу курсаткич 50 центнердан ошганини мўлжаллаб турибмиз.

Ушбу «Қаҳрамон» жамоа ҳужалигида кўп йиллар, аниқроғи, 6 йил раиснинг муовини бўлиб ишлаган, мутахассислиги ирригатор Зокиржон Қиличев хуусида икки оғиз суз. У ҳужаликнинг Тарнов кишлогидан, умр йўдоиши Қандолатхон Нарзуллаева саришталли-фаришталли уй бекаси — 5 нафар фарзандга меҳрибон она. Минглаб кишлук аелларига ухшаб ҳужаликда олдий аъзо бўлиб ишлайди. Бола-чақа, рузгор ва ҳужалик юмушларидан асдо нолимайди, бу аёл. Яқинда лент... ана шу нуфузли оилада... чамаси, мана шундай гаплар бўлиб утди, десак — ишонаверинг!

— Бугун оладатгидан ҳам кечроқ келдиғизми, даласи? — суралди Қандолатхон. — Раисимиз Норқузи акани биласиз. Кеча у киши мени... негалар кутилмаганда «Гулистон» жамоа ҳужалиги-

га бирга бориб келайлик, деб тақлиф этиб қолди. Йул-йўлақай билдимки, уша ҳужалик раислигига мени тавсия этишган экан. Кеча у ерда йигилиш чақирилиб, кўярда-кўймай мени раисликка сайлашди. Шу кўнликнинг раийлига қарши боролмадим.

— Кўннинг дуоси — кўл. Эл қўлабимиз, илоё, омадингизни берсин! «Гулистон» жамоа ҳужалиги худудда Холдор, Янгикилт, Узуқшилоқ, Учтепа, Зиндонтена, Яланғоч, Чоршанба, Тенақургон каби катта-кичик кишлуклар бор. 2 та урта мактаб ва битта саккиз йиллик таянч мактаб бу кишлуклар болжонларини бағрига олган. Ҳужалик тасарруфиди 1337 гектар ҳудудидан ер бор. Бўлтур ҳужалик пахтакорлари режани ушлашайди лойла қолишган, ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили атиги 20 центнердан ошмаган эди. Билмак, манфаатдорликни изчил йўлга

қўймай туриб, ҳамма соҳада сийлжиларга эришиш мумкин эмас. Ҳужаликка талбиркор раҳбар керак эди. Бу йил шундай бўлди. Иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш — яъни, хайрли ишлар уюштириш йул очилди. Ҳа, раҳбарда ган кўп. Ҳуш, қисқа давр мобайнида бу ерда қандай узғаришлар юз берди? Самараси қандай? Ҳужалик меҳнат аҳлининг шайқилида илжобий узғаришлар борми? — Ҳа, бор! — дейишди ҳужалик фермерлари. — Аввало уч йиллик меҳнат ҳақи — 7 миллион сумлик қарз узилакесил хал қилинди. Аҳолига шу йилнинг ҳосили ҳисобидан иш ҳақи эвазига 300 тонна галла тарқатилди. Ҳужаликнинг 512 гектар галлазорларида ҳосил мўл бўлди. Давлатга режаларга 1600 тонна урғинга 1800 тонна галла сотилди. Режа 120 фоизга адо этилди. Ҳужалик аъзоларининг 130 гектар ердаги томорқалари-

дан ҳам баракали ҳосил йигиб олинди. Томорқачиларга ҳужалик ҳар томонлама ердан курсатди. Одамларнинг узлари «аҳилликда — барака!» дейишяпти.

586 гектар пахта майдонидида кузланган даражада ҳосил тулланди.

— Шунинг 320 гектаридида гуза пленка остига экилган, — дейди раис Зокиржон Қиличев. — Янги усулнинг шарофати беқисс эканлигига пахтакорларимиз гула ишонч ҳосил қилишди. Келуси йили Андижон усулида чигит қалдашга кенроқ майдонларни ажратамиз.

Абдулла ТУРДИЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» махсус муҳбири.

# АСЛ НАВ — ҲОСИЛ ТАМАЛИ

Сара уруғ пахта ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим омилдир. Халқимизда «Сара уруғ — ҳосил булик» деб бежиз айтилмайди. Уруғчиликни яхшилаш ва уни илмий асосда олиб бориш ҳисобига ҳосилдорликни 20-30 фоиз ошириш мумкин.

Бу йил республика ҳужалиқларида 1500 минг гектар ерда эртаги барақа уруғи экилд. Уруғ сифати талаб даражасида бўлиб, I — II даражада уруғ салмоғи 99,3 фоизни ташкил этиди. Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона ва Навоий вилоятларининг ҳужалиқлари жорий йилда 90 фоиздан зиёд майлонда биринчи даражада уруғ экилд. Бироқ Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ҳужалиқларида уруғлик салмоғи тегишли равишда 44,0; 66,3; 63,2 фоиздан ошмапти. Бу эса унбу вилоятларда уруғлик пахта етиштириш ва тегишли етарлича эътибор берилмаётганини, уни машиналарга технология жараёнига эътибор бермасдан териб давлат эаётинингидан далолатидир.

99, иккинчисиники — 98, учинчисиники — 97 фоиз бўлиши лозим.

Аммо қатор элита уруғчилик ҳужалиқларида навдорлиги паст уруғ етиштирилмоқда. Хужайли, Сирдарё, Боевут, Пахтачи, Каттақурғон, Гузалкент, Жиззах, Пахтакор, Денов, Ангор, Узбекистон туманларидаги элита ҳужалиқлари етиштиришнинг биринчи ва иккинчи репродукция уруғчилик сифати ва навдорлиги даражаси билан давлат андозларига тўғри келмапти.

Маълумки, барча туман ва ҳужалиқ раҳбарлари экин лаврида фақат биринчи даражадаги уруғлик чигит талаб қилдилар. Шундай экан, унинг сифати ва миқдори ҳақида ҳозирдан қайғуриш даркор.

Сунги йилларда республика миқдоридаги элита ҳужалиқларида асосий равишда куп навдлик қарор топти. Пахтакор туманининг 50 фоиздан ортиғи икки ва ундан зиёд нав эканлиги. Бу борада айниқса Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Хоразм, Самарқанд вилоятларида аҳвол ташвишлидир. Унбу вилоятлар ҳужалиқларининг ярмидан ошғи куп навдлик йул қўйилмоқда. Айрим туманлар раҳбарлари, қишлоқ ва сув ҳужалиқ бошқармалари мутаассадлари ҳамда мутахассисларининг ута масъулиятчилиги оқибатида элита уруғчилик ҳужалиқларида 2-3 тадан пахта нави жойлаштиришга йул қўйилган.

Бунга мисол куп. Термиз туманидаги «Дустлик», Денов туманидаги «Қазарбов» Узун туманидаги Пирназаров номи, Бөгёт туманидаги Искандар Дусов номи, Илтиқон туманидаги «Иттифоқ» элита уруғчилик ҳужалиқларида иккитадан ортиғи эканликларини қандай баҳолаш керак? Ахир, пахта навларини жойлаштиришни Вазирилар Маҳкамасининг қароридан вилоятларда 3-4 та, туманларда 2 та нав, ҳужалиқларида эса фақат битта нав жойлаштирилиши аниқ-рав-

ри 20 — 25 фоиз пасайтирилиши ёки техника пахтага туланилган ҳаққа қараганда 20 — 25 фоиз куп пул туланиши керак.

Уруғлик пахтани офтобда қуритишни йулга қўйиш, қабул пунктларига унинг намлиги камида 8 фоизга келтирилгандагина топшириш зарур. Бироқ уттан йилларда намлиги меъёр (ГОСТ) талабидан зиёд уруғлик пахтани тайёрлаш ҳолати куп бўлди. Намлик даражаси юқори тайёрланган пахтани саклаш жараёнида эътибор берилмаслиги оқибатида қизиб кетишга, уруғнинг бузилишига олиб келди.

Қабул қилинган уруғлик пахтанинг софлиги, селекция нави, авлоди (репродукцияси) ва қандай терилганлиги қараб алоҳида партияларида 250 — 300 тоннадан гарамланди. Уруғнинг бир хилда бўлишини таъминлаш мақсадида сентябрда терилган уруғлик пахта, октябр ойида терилганидан алоҳида гарамлаш таъсия этилади. У алоҳида биноларда, янги қанор-қопларга солинган ҳолда епик хоналарда сақланиши керак. Биринчи ва кейинги авлоди пахта ичиқ майдонлардаги гарамларда сақлашга руҳсат этилади. Фақат усти янги бризент билан ёпилиши шарт.

Маълумки, ҳар қандай бино пойдевордан бошланади. Асл дехқон пахтасини йиғиштириб олар экан, келгуси йил ҳосилини ҳам эсан чикармай унинг энг сарасини уруғлик учун олиб қўяди. Зеро, фақат шу йил билангина мул ҳосил етиштириш мумкин.

## Тавсия

камҳосил, қуриб қолган, томоз, вертициллез, фузароз, вилт, ургимчаккана ва бошқа касалликлар билан зарарланган майдонлардаги пахтани яроқсиз деб уруғлик тайёрлаш майдонлари сабабдан чиқариб ташлашди.

Уруғлик чигит тайёрлаш учун элита, биринчи, иккинчи ва учинчи репродукцияли энг яхши, серҳосил юқори навдорликка эга бўлган пахта майдонлари тавлаб олинди. Айни кунларда ҳужалиқларда дала қуриқлирини утказиш, навдорликни аниқлаш ишлари олиб боришмоқда. Навдорлиги паст даладарда бегона навларни юлиб ташлаш, навдорликни давлат андозаси талабига етказиш жоиз.

Уруғлик пахтанинг урта толади навларида 8-9-маша шохичага бўлган биринчи, иккинчи толади навларида эса 10-маша шохичага бўлган, тулик оқилган қурак ҳосил терилди. Терим 6-8 тадан булик қурак оқилганда бошланади. Одатда уруғлик асосан сентябр ойида, кечин билан октябр ойининг биринчи 10 кунлигида тайёрланади.

Терим мавсумида иш микдори

Йўлдош УЗОҚОВ, Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳужалиқи вазирининг биринчи ўринбосари НЕМЪАТ СОЛИХЎЖАЕВ, пахта уруғчилиги бўлими бошлиғи.



Бугунги кунда республикамизда қорвачиликни ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Бунга эътибор қилинган миқдордаги уруғлик пахтадан кунинга 2100-2200 килограмдан сут соғиб олиб, говмишлар маҳсулдорлигини оширишга ҳаракат қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: ферманинг илғор сут соғувчиларидан бири Дилафруз Ҳамроева. Айни чоғда у 20 беш сугирдан 10-11 килограмдан сут соғиб олишга эришяпти; ферма мудири Саъдулло Ғиёсов билан молбоқар Матнот Ҳасанов навбатдаги қилинадиган ишларни маслаҳатлашиб оlishмоқда.

Б. ИСМОИЛОВ олган суратлар.

## ДАРОМАДГА ҚАРАБ БУРОМАД

Урта Чирчиқ туманидаги «Қорасув» дехқон-фермер ҳужалиқлари унмисаси сертармоқ, иккитадан бақувват жамоалардан ҳисобланади. Миришкорлар асосан пахта, дон, шол, етиштириб, ундан ҳар йили мўмай даромад олишяпти.

Дехқонлар уттан йилда қишлоқ ҳужалиғи соҳасида 66 миллион сўм даромад қўришган бўлса, бу йил 75 миллион сўмлик маррани кўзлаб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Даромадга қараб бурумад деганларидек, жамоа худуди йил сайин ободонлашиб, чиройига чирой қўшилмоқда. Хонадонлар 100 фоз газлаштирилган бўлса, 72 фоиз тоза ичимлик суви билан таъминланган. Бу соҳани ҳам 100 фоизга етказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Бу ерда кейинги олти йил ичда 1176 ва 640 ўринли замонавий иккитадан мактаб, иккитадан болалар боғчалари қурилиб фойдаланишга тоширилди. Бундан ташқари 500 та хонадонга ер

участкалари ажратиб берилди, 30 та оила эса қоттеж билан таъминланди. Уттан йилда бунёд этилган «Қорасув» дехқон базори ишлаб турибди. Аҳолига савдо, тиббий, маданий-маиший хизмат қўрсатувчи корхоналар, уш, шол, омихта ем тайёрловчи тегирмон комплекси мавжуд. Турта масжид отахонлар хизматиди.

Ҳужалиқнинг Алишер Очиллов тренер бўлган «Қорасув» футбол жамоаси туман кубогини қўлга киритиб, 10 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланган. Бу ерда ҳозир янги ўйингоҳ бунёд этилмоқда. Унинг қурилишига 200 минг сўм маблағ ажратилган.

Ҳа, чиндан ҳам ҳужалиқ аъзоларининг турмушлари фаровонлашиб, бахтли ҳаёт кечиринлариди, амалга оширилмаётган улкан бунёдкорлик ишларида тажрибали дехқон, ўттиз ут йилдан буюн ҳужалиқ раҳбарлик қилиб келган Турғун ака Орпновнинг муносиб хизматлари бор, албатта. Туманининг 70 йиллиги ҳамда давлатта дон топшириш режаси ҳужалиқ бўйича ошириб адо этилганлиги учун у «Нексия» автомашинаси билан мукофотланди.

Э. ТУЛАГАНОВ.

## ДОН ЭКИЛМОҚДА

Янгиқурғон туманидаги Ж.Охунов номи жамоа ҳужалиғи дехқонлари жорий йилда гектардан 42 центнердан дон олдилар. Ҳужалиқда айни кунларда ерларини сифатли тайёрлаб, жадаллик билан 3 та селкада кузи дон экиляпти. Ҳар куни 35—40 гектар ерга уруғ ташланапти.

— Ҳужалиқимиз аъзолари юртимизда галла мустақиллик эришишга муносиб ўлуш қўшин пайида бўлишмоқда, — дейди бошқарув раиси Мухторали Журабоев. — Бунинг учун аввало яхши, унмодор ерлар ажратилди, парварини миришкор дехқонлар маромида бажаришди. Бу йил ҳам кузининг ҳар дақиқасини фойдаланиб, 450 гектар ерга уруғини обн-тобида экиб олиш уятимиз. Мақсад, келгуси йилда ҳар гектар ердан 47 центнердан ҳосил етиштириш.

А. ҚОРАБОВЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

## САБОҚЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ

Галлачилик

Бунинг асосий сабабларидан бири галла уруғчилиги бўлган эътиборнинг сустлигидир. Шунингдек, вилоятда бошқоқ дон навлари тиниб келиш, уларни районлаштириш масалалари ҳам ижобий ечимини топмагани ана шундай оқибатга олиб келди. Бир мисол. Бу ердаги мутахассисларнинг эътиборсизлиги, ер ҳолатини яхши билмаслиги оқибатида уттан йилдан ортиқ хилдаги уруғдан фойдаланишди. Миришкор меҳнатини аямагани билан уруғ районлашмагач, самараси ҳам шунга яраша бўлди. Иккинчидан, галлакор меҳнатини ташкил этиш,

уларни рағбатлантиришда ҳам бу ерда талай муаммолар мавжуд.

Ҳуш, келгуси йил ҳосили учун вилоятда кузи дон экиш ишлари қандай бораёпти?

Вилоят донҳиссадорлик жамияти раиси Абдурашид Қудратовнинг таъкидлашича, келгуси йил ҳосили учун 89 минг гектар далам ва 10 минг гектар сугорилмаган майдонларга кузи дон экиш режалаштирилган. Айни пайтда даладарда бошқоқ дон экиш ишлари қизгин бораёпти, 120 дан ортиқ ҳужалиқ билан уруғчилик соҳасида шартнома тузилган.

Ҳассисларнинг қайд этишича, купчилик ҳужалиқларида уттан йилларда белгиланган миқдордаги уруғлик сарфланмагани учун ҳам ҳосилдорликка эиен етган. Ҳозирги кунда жойларда алоҳида назорат гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, улар бу масалани жиддий эътиборга олишган.

Кузи дон экишнинг бориши билан қизиқиб, вилоят ҳужалиқларига борганимизда бунинг гувоҳи бўдик. Айниқса, экин ишлари билан банд бўлганлар меҳнати қадр топаётганлиги, улар рағбатлантирилаётганлиги янада қувончли. Қушлаб ҳужалиқларда гектарига 240-250 килограмдан уруғ ҳамда керакли микдордаги уғит солиняпти. Айниқса, Гулистон, Боевут, Сирдарё туманларида кузи дон экиш ишлари қизгин. Меҳнатобод, Мирзаобод, Шароф Рашидов, Оқ олтин каби бир қатор туманларда техника қучидан унумли фойдаланилмаётганлиги, ташаббускорлик қурса ташаббуслиги боис, ишлар суст бормоқда.

Галлачиликда ерни ардоқлаган дехқон ютади. Кузда пишиқ-пхта қилинган ҳар бир иш, сарф-харажат самараси зое кетмаслиги бобо-деҳқонлар тажрибасидан аён. Сирдарё вилоятда ҳозирги пайтда олиб борилаётган ишлар юқори ҳосилга пухта замин қўйишга қаратилган.

Абдусами ҲАКБЕРДИЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

## ИҚТИДОРЛИ МАКТАБ ИШТИЁҚИ

Сирасини айтганда, кейинги пайтда айрим жойларда таълим тизимида бироз парокандчилик юзата келаяпти. Тажрибали, малакали уқитувчилардан баъзилари мактабни тарк этиб, уларнинг тижоратта, дехқончиликка ва бошқа «мойлорқа» соҳаларга уриб кетишди. Шу боис, Узбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Уқитувчилар ва уқувчиларнинг моддий турмуш шарафининг яхшилаш буйича қўшимча тадбирлар турғисида»ги қарори эътиборга қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди. Унга қура ойлик маошининг 50 фоиз оширилиши, дафтар текширганилиги учун қўшимча ҳақ туланиши, байлик фан уқитувчилари ойлик маошларининг икки бараварга қўйиштирилганлиги катта яхтимойи воқеа бўлди, десам хато бўлмас.

бул қилиниши таълим соҳасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий қағолатларини яратди.

Мактабимизнинг куп сонли жамоаси унбу муҳим ҳужжат билан қўшимча таълим билан қабул қилди. Улар уқитувчилар уртасида кенг муҳокама қилинди, чуқур урганиб чиқилди, ғамхўрликлар қулами кишипини чексиз қувонтирди, албатта. Аммо, бу муҳим ҳужжатлар ени авлодини мустақил давлатимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялашда биз, педагоглар зиммасига катта масъулиятлар юклайди. Ахир, бюджетдан ажратилаётган бу қадар катта маблағ уз самарасини бер-

## Таълим ва янги тафаккур

Биз энди иқтидорли синф, иқтидорли бир гуруҳ уқувчилар тайёрлаш эмас, иқтидорли мактаб деган номига сазовор бўлиш учун курашишимиз керак.

Билми дароҳимизда меҳнатқилларнинг 536 нафар утил-қизлари таълим олишадилар. Уларга ҳаёт сабоқларини бериш, фан сирларини ургатиш борасида 63 нафар уқитувчи фаолият қурсатаптир. Уқувчиларнинг пухта билим олишлари учун етарли шарт-шароит яратилган. Тулик газлаштирилган мактаб залларида ҳатто киши пайтида ҳам энгилроқ қиймларда юриш имкони яратилди. Мактаб охиноҳасида доимо иссиқ овқат, нон ва маҳсулотлари мавжуд. Мазмурият томонидан тузилган руҳият асосида баъзи ноҷор оилаларда усаётган уқувчиларга овқат бепул берилди. Мактаб қошидаги саратонхонанинг иш тартиби ҳам шунга ухшаган. Хашар йули билан бунёд этилган дундондан эса болалар арзон на-

рихта турли уқув қуроллари, шпирингликлар ҳарид қилинади. Т-28 Х4 марказли тракторни уқувчи болалар меҳнат дарсларида ҳайдаб, сошлаб урганишди. Шу билан бирга ярим гектарли тажриба майдониди экинларга ишлов беришди. Жорий йилда ерга картошка ва маккажуҳори экилган. Ундан чиққан ҳосил кузда йиғиштирилиб, мактаб охиноҳасига тоширилди.

Бу каби яратилган шарт-шароит масканимизда уқувчининг намунали поғонага қурилишини муҳим омил бўляпти. Жумладан, бутурти уқув йилида мактабни битирганларнинг қарийб 40 фоизи олий ва урта махсус уқув юртлирига уқиниша қилириб кетишди. Ҳозирги тест-синновари шартотида қишлоқ мактаби учун бу гоят қувончли. Шунингдек, мактабимиз талбалари фанлар буйича утказилмаган олимпиадаларда ҳам муваффақиятли қатнашиб, етакчи урирларни эгаллаб қайтишяптир. Уттан уқув йилида 10-синф уқувчиси Дилфуза Акбарова, Зөбө Ҳамроева ва Гулчехра Пулатовалар туман ва вилоятдаги билим олиндириш фаол қатнашиб, зукколикларини намоийин етишди. Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг қарори мактабимизда таълим самардорлигини янада ошириб, олий уқув юртлири ва ҳалқ ҳужалиғи учун муносиб номзодлар тайёрлашга кенг йул очиб берди. Бу ёғи узимизда, ишга муносибамизда боғлиқ.

Эргаш ШОДМОНОВ, Булунғур туманидаги Норкул Эргашев номи мактаб директори.

## ДАРЁЛАР ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ

Узбекистон дарёлари... Бу сўзни тилга олишимиз билан Аму, Сирдан ташқари, Норин, Зарафшон, Чирчиқ, Сух, Қоралар, Қашқадарё, Сурхондарё ва уларнинг қўшлаб йирмоқлари куз унгимизда таваллабанди. Ул-камиз дарёлари бири-иккинчисидан салоботли, жушқин, ноёб. Шу билан бирга ҳар бирининг заминимизда тутган уз урни, тарихи, аҳамияти ҳамда у билан боғлиқ ажойиб ривоятлари бор. Нақд қилишларича халқимизнинг севимили эртаги Тоҳир ва Зухрадаги бош қаҳармон, Зухраҳоннинг севилисис Тоҳирни Зарафшон дареси сувига оқизган эканлар. Утминда Зарафшон сувини Амуга обориб қуйгани маълум. Эндиликда бу саҳий, меҳнатқил дарёдаги оби ҳаёт охириги томчишга эа сугорилш шохобчалари орқали экинзорларга, боғ-роғларга, ичимлик сув сифатида шаҳар қишлоқлардаги хонадонларга таралиб кетди. Дарёларимиз ора-сида қайси бирининг суви ичимлик учун сара деган баҳслар ҳам бўлиб туради. Таъкидлашларича энг толисис — Зарафшон ва Чирчиқ даресининг сувиридир. Бу дарёлардан сув ичган кишилар соғлом, даладарда битган бодгорчилик, полизу сабзавот маҳсулотлари ута даззатли, шираси тилини еради.

Оби ҳаёт буйича мутахассисларнинг талқин қи-

вожланмоқда.

Саҳий ва қудратли табиат Узбекистонимизга қушалоқ-қушалоқ дарёлар ато этган. Савол туғилди: Узбекистон заминининг ҳаёт томирлари вазифасини утаб келатган бе-назир дарёларимиз нечук аҳволида? Улар ардоқдами? Ул-камиз қоклини юваётган бу дарёлар қадрига етганимизми? Жавоб беришда қийналамиз. Дарёларимизни улуғлашимиз, ажойиб тасвир ва сифатлар билан маъд қилариз. Лекин бир қатор ҳолатларда дарёларимизнинг қадрига етмаймиз.

Фикримизнинг ҳақлигида ишонч ҳосил қилиш учун Зарафшон даресининг бутунги ҳолатига бир назар ташлаш қиёф. Бу бетакор сулув дарё турли қиқиндилардан азият чекмоқда. Жиззах, Самарқанд, Навоий вилоятларидаги сон-саноксиз қорхона ва ташкилотлар дарёдан фойдаланиш учун кератишча сув оладилар. Сунг оқвава сувларни яна дарёга таплайдилар. Ҳужалиқларро зовурларнинг зах сувлари ҳам дарёга қўшилиб, уни ифрос қилаяпти. Зарафшон даресининг дарди бу билан тутамайди. Ахират уюмларини дарё соҳилларида келтириб тукиш тобора одаг тусини олаяпти. Кейин-

Асримизнинг урталарида Зарафшон жушқин ва салоботли эди. Унча-мунча одам дарё соҳилига яқин боришга, чўмилишга, дарёни сузиб утишга ботинолмасди. Қудратини бағрига юк қилмай пишиқриб оқаётган дарени томонга қилиш завқли, кишига кучқурат бахшида етарди. Соҳилдаги тўқайзорларни айтмайсизми? Эни 1,5 километр келидан баҳаво тукайзорда юлғун, терак, тоғ, енгроқ, шиста каби дараклар усиб етарди. Тўқайзордаги қушларнинг қувноқ чуғурилиши кишига ҳузур бахшиларди. Бу ердаги усимликлар, ҳайвонлар, паррандалар дунеси уйғунлашиб, эртақлардаги боғи эрамни намона етарди. Соҳил хавосининг енгил ва тозаллиги денгизниқидан кам эмасди. Эндиликда юқорида тилга олинган тукайзорлардан нишона ҳам қолмаган. Ҳайвонот дунеси, қушлар олами қириллиб битган. Айрим чегаралоқ ҳужалиқлар дарё соҳилида тегили тукайзорларни эъ-бошимчилик билан улаштириб юборган. Зарафшон дареси бошқа оби-ҳаёт манбаларимиз каби гузаллик, шижоат тисмоли. Уларни келгуси авлодларга шундай ҳолатда қолдиришимиз учун қуз қорачиқдек сақлашимиз зарур.

Иноят НЕЪМАТОВ, меҳнат факхириси, Баҳром КАҲҚОРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Муаммо, мулоҳаза, таклиф

Фикримизнинг ҳақлигида ишонч ҳосил қилиш учун Зарафшон даресининг бутунги ҳолатига бир назар ташлаш қиёф. Бу бетакор сулув дарё турли қиқиндилардан азият чекмоқда. Жиззах, Самарқанд, Навоий вилоятларидаги сон-саноксиз қорхона ва ташкилотлар дарёдан фойдаланиш учун кератишча сув оладилар. Сунг оқвава сувларни яна дарёга таплайдилар. Ҳужалиқларро зовурларнинг зах сувлари ҳам дарёга қўшилиб, уни ифрос қилаяпти. Зарафшон даресининг дарди бу билан тутамайди. Ахират уюмларини дарё соҳилларида келтириб тукиш тобора одаг тусини олаяпти. Кейин-

ОИЛА МУҲИТИ

Хонадон-боланинг куз очиб қурган дунеси. У мана шу муъжаз дунеда усиб-улғаяди, шахс сифатида камолга етади.

Касб фаолиятига йўналтириш илми ҳам асосан оилада ургатилади. Гарчи ота-оналар касбини давом эттириш ҳолати унчалик кўп учрамаса-да, фарзандларда бундай касбларга мойиллик кучли бўлади.

Маънавийатнинг келтирилган... Мана вазирлиги яқинда мамлакатнинг икки тиббиёт маркази — «Бейлинсон» ва «Адасса»га тирик донор —

чини унутатгани йўқми? Она-чи, унинг бола тарбиясидаги заҳмати қай жиҳатларда яққол кўринапти?

Кўпинча ўзим яшаётган маҳалла хонадонларини кузатаман. Кўшнлар билан мулоқотда бўламан.

— Бугунги болалар жуда гапқасма бўлиб кетишган, — дейди бир кўшн.

— Насихат қилсанг энаси қотқандек, четга қараб туришди.

— Бу болаларнинг бемехрлигини айтинг, — дейди яна бири.

Учинчиси гап қушади:

— Биз елпигимизда унги беришса, жимгина эшитардик. Ота-оналаримиз қанча уришишсаям, юзларига тик боқмасдик.

Улар бир-бирини маъқуллаб, уйларига кириб кетишди. Кўп ўтмай, уша хонадонлардан бирининг очик деразасидан «гап ўқмас» боланинг шовқини эшитилди.

— Узингиз «дарсингиз қилиб бўлсанг, унингга чиқасан» деддингиз-ку. Яна иш буюрасиз. Энди айтганингизни қилмайман!

— Қани гапимни икки қилиб қур-чи! Яхшиликча бординг, бўлмас нах... Она яна нималардир деб жаврайди.

Боланинг эса энди парвойишалак, онасини кўзини шамғалат қилиб, кучага чиқиб кетади.

Бола табиятан ёлгон гапни, ноҳақликни емон куради. Унга нисбатан шундай муомалада бўлганларни кечирмайди. Бо-

лани ашданг, сўзида турмаган ота-онанинг бола олдидagi хурмати йўқолади, оилавий ишончга путур етади.

Ота-оналаридан меҳр кўрмай ўсган боланинг ўзи ҳам меҳрсиз бўлади. Биз суҳбатларимизда «меҳрсиз», «гап ўқмас» болалар ҳақида гапиримиз-у, аслида бу нуқсонлар илдири узимизга бориб тақалишини англаб етмаймиз, баъзан.

«Болани булар-булмаста койийверсанг, қулоқсиз бўлиб усали» дейишарди кексаларимиз. Бугунги кунда ҳам болани уриб-койиш тугул, унга овозини баладлатиб гапирмайди ота-оналар бор.

Бундай хонадонлардаги фарзандлар олобди, хушфазилат... Болани яхши гап бил-

кунда суғуриб-сидирилади. Чорбоғдаги анвойи мевалар пишса, олди қишлоққа улашди, қолгани бозорга чиқарилади.

Ховлида неки юмўл бор, бариси фарзандлар қўли билан амалга оширилади. Кўкламда ер чопиш, экин экиш, ток тараш, езда томорқа ўтини юлиб, сувига қараш, қузда пишган ҳосилини саранжомлаш, кини буйи ерга ишлов бериб, озиқлантириш каби ишлар ола-тийи ҳолга айланган.

Ота-она болаларига «уни қил, буни қил» деб ўтирмайди, улар ўзини билди-билди, жой-жойига қўйиб адо этаверишди. Фарзандларнинг бир-бирларига меҳрлари ҳам узгача.

Ана шу оилада ўсган фарзандлар кичиклигидан меҳнатта ургангани учунми, катта бўлишганда ҳеч қийналишмай, ҳаётда ўз урилларини топиб кетишди.

Хунарлари, меҳнатлари эвазига эл орасида иззатландилар. Мен болалари уззукун куча-қўйда тентираб ўрайдиган, қўлидан иш келадиган қўча-қўша унги-қизлари туриб ҳовли-жойлари носаришга бўлган баъзи хонадонларни курсам, қишлоғимиздаги мен билган ораста хонадонлар едимга тушади.

Бола тарбиялашда неки сабаб-ҳаракат, неки ҳақикат бор, бариси оила бошқилари — ота-оналарда экнини фахлдаман. Оилада қандай муҳит бўлиши ҳам аввало ота-онанинг ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, қуру-қут ва хайру-баракот ҳам ота-она, бобою-бувиларимиз феълли орқали оила муҳитига киндирилади. Фарзанд-

лар, ҳатто неваралар ҳам шундай муҳитдан руҳ, куч-қувват оладилар, узларини турғи янашга, меҳнатдан бахт топишга чоғдай боради...

«...Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади, — дейлади. Президентимиз эро, оилавий анъаналарни қарор топтириш, ривожлантириш, уни фарзандларимиз онгу-шуурига синдириш, умуман оилада бола учун қўлай муҳит яратишда ҳар ота-она, қолаверса бутун жамият масъулдир.

Фарзанд тарбиялашдаги гузал таомилларни қайта тиклашда биз миллий хусусиятларимизни асрлар оша авлодларга етказиб келатган доншманд болаларимиз турмуш тажрибаларини урганганимиз, уларга амал қилмоғимиз керак. Усиб келатган «ш авлоднинг билимдон, хунарпеша, ақлан зуқко ва маънан баркамол бўлмоғида азалий таомилларимизнинг аҳамияти бекиес.

Бола феъллида юзага келувчи утиш ешидаги жамики қусурлар, емон одатлар, хавф-хатарларни бартараф этишда ҳам оилавий муҳит катта роль ўйнайди. Оила ҳавосининг мусаффолиги, мултаддиги бола кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади, уни озгу ўйларга, яхшиликларга ундайди. Шу тариқа бола маънавияти ва маданияти такомиллаша боради, у етук инсон бўлиб етишади. Мустақил юртимизнинг эртасини яратиш учун замонамизга ана шундай етук ва муқамал инсонлар зарур эканини ҳеч биримиз еддан чиқармайлик.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

ЮЗ АСРДАН СЎНГ



Канадалик табиатшунос олим Парсил Арктикадан люпин ўсимлигининг уруғини олиб келган эди. У лабораториядаги ҳў қоғоз устида шу уруғдан бир қисмини ёйиб қўйди.

Орадан 48 соат ўтганда уруғлар униб чиқди. Олим ниҳолларини тувакчаларга ўрнатиб, гулҳонага қўйди. Ўсимлик яхши ривожланиб туллади.

Хўп, нима бўлибди, дерсиз? Қизилги шундаки, бу уруғлар ўн минг йилдан буён Арктиканинг 6 метр қилинқдаги муз остида ётган эди. Уруғлар юз асрдан сўнг унган.

ЎСИМЛИКЛАР «ОҚСОҚОЛИ»



Кавказдаги Алазини дарёси қирғоқларида янабарган тис даракти ўсади. Бўйи 25-30 метрга, танасининг айланаси 1,5-2,5 метрга етади. Тис дунёдаги ўсимликларнинг «оқсоқоли» ҳисобланиб, тўрт минг йилгача яшагач, ҳосил бераркан.

АСАЛ «ИДИШ»



Мексикада асалчи чумолар бор. Улар дарактлар, шарқарқамин танасидаги шарбатни сўриб, асал йиғайдилар. Олимлар чумолни янни очиб ҳайратда қолди: яннинг ўртада ҳусайни узум гужуми шаклидаги асал тўдирлиган «боқка»лар асал тўдирди. Улар жонли бўлиб, махусе чумолларнинг асал «идиш» вазиқасини ўтар экан.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

Дехқон тақвими

МИЗОН

21 сентябрдан ташриф буюрган Мизон ўн икки самовий буржларнинг еттинчиси, суғра, дехқон тақвими бўйича ҳам еттинчи ой ҳамдир. Бу ҳам аспда халқона сўз ижодининг бир кўринишидир. Яъни, ердаги дехқончилик тақвими учун алоҳида сўз яратиш-чун бош қотириб ўтирмай, айнан самовий атаманинг ўзи олинган-қўйган.

Бу борада яна шуни ҳам есда тутиш жоизки, ўтмишу ҳозирги нуҳум илми-юлдузлар илмида уша «сузи» орқали: «Мизон» деб езилди, айтилди ҳам. Маълумки, қолган ҳолларда талффузда ҳам, езулда ҳам: «мезон» бўлиб кетган экан, энди бунга ҳам, тан бериш керак. Утган «сунбула» ойи 13 фаслини хотирлаб берган бўлса, эндиги «Мизон» — куз фаслини бошлай берди.

Бу ой узбекча: тарозию, форс, тожикча, «тарозу» дейиларкан, бу — уша бурждаги юлдузлар туркумининг шакли айнан тарозига ухшашлигидандир. Қолаверса, бунда йилнинг қоқ иккига бўлиниши ҳам, тарозунинг икки палисига ухшаб кетмайдими?

Умуман, мизон ҳаётбахш, айни чоғда одамларни ҳушерлантирувчи шамоли билан узиға ҳосидир. Бунда қўллардаги қамчиқларнинг дейсизми еҳду урмонзорлардаги дов-дарактларнинг шовуллашлари дейсизми, табиатнинг жонбахш мусиқий мақомларини куз-куз қилади. Айни пайтда дехқончилик, боғбончилик ва чорвачилик соҳасида жорий йилдаги буткул ишларни саранжомлаш, асосан якунлаш ойи ҳамдир, бу палла. Ҳа:

Мезовда жам бўлар ҳосилининг бари, Унда куз-куз дехқон қабилнинг кўри! Хусусан, пахта теримининг бурган сари тобора жаддаллашуви ҳам, пахта кирмоқларининг юксалиб боришига, гарамланиши ҳам, нес-нобудликка йул қўйилмаслиги ҳам, бари-бари бирлайин аҳамият касб этади.

Ҳа, «Пахта иши — ҳамманики», демак, ҳеч кимники бўлмагани истиблод замони ортда қолиб, эндиликда, айни юмушлар мустақил миллий узбек давлатчилигининг ҳаётий манфати, ўз муҳитга айланганлики, бу ҳар бир ақли расоинг ҳаётий амали, пировард мақсадига айланиб бормоқда. Ҳа:

Қатра-қатра йиғилиб уммон бўлганда — Тола-тола йиғилиб, хирмон бўлар. Одатда мизону ундан кейинги ақраб ойи-кузи кучат утказиш мавсуми ҳисобланади.

Айни пайтда мавжуд боғ-роғлару хиебонларни кунгиддаги узлуқсиз парваришлаб боришлик ҳам диққат марказида бўлмоғи даркор.

Ҳа, чунки ҳар йили отарга-отар қўшилганида боғбон ҳам боғига боғ қўшмаса қўнли тулмайди. Зотан умрнинг ҳаётийи бардавомлиги, демак, мангулиги ҳам шунда эмасми? Дехқоннинг мартабасини осмон қилган мана бу турликка нигоҳ қалган:

Жаҳоннинг шодлиги боиси дехқон: У туғайли экинзор боғу бўстон; Бу касбин аёл оламда не бордир, Ҳар бир авлод учун мангу ёлдордир!

Р. ЖУМАНИЕЗОВ.

Жаҳон илм-фан тажрибаларидан

ЖИГАР ЎТКАЗИЛДИ

«Бейлинсон» тиббиёт марказида Исроилда биринчи марта жигар тирик донордан беморга кучириш бўйича операция ўтказилди.

Узининг икки ешлик қизини сақлаб қолиш учун жигарининг бир қисмини беришга рози бўлган аёл бундай донор бўл-

ди. Гудак мазкур касаллик билан туғилган, бироқ ондий йул билан шу пайтгача унга турғи келадиган кичкина имплантант топиш имкони бўлмаган эди.

Исроил Соғлиқни сақлаш вазирлиги яқинда мамлакатнинг икки тиббиёт маркази — «Бейлинсон» ва «Адасса»га тирик донор —

АСАБЛАР ТАРАНГЛАШИШИ ЗАРАРИ

Қудус Университети ва «Сорока» шифохонаси олимларининг аниқлашича, асабларнинг таранглиги қон тизими ва бош миё орасидаги қон айланишидан минга турли моддаларнинг ўтишига йул қўймайдиган тўсиқнинг таъсирини кучсилантиради. Аввалги фикрларга қарамай, ўтказилган тадқиқотлар баъзи дориларнинг таъсири бош миёга ўтишини кўрсатди.

Қудус Университети профессори Хермона Сорекнинг айтишича, бу тадқиқотдан шундай хулоса қилиш мумкинки, асаблар таранг одамлар марказий нерв тизимига зарарли таъсирнинг олдини олиш мақсадида бош миёга таъсир қиладиган дориларни кам дозада олиши зарур.

Унга «ТАМИР» — инглиз тилидаги бу аббревиатура «ички ишлар учун мулкжалланган мухтор равишдаги кўп функциялиги робот» маъносини билдиради. Хайф Технони ҳузурдаги Қурилиш муаммолари тадқиқоти Миллий институтдаги ун яратувчиларнинг айтишича, у «бешта қурилиш ходимининг ўринини босиб, самарали, тез, аниқ ва сифатли ишлайди».

Унинг яратилишида робототехника ва автоматиканинг замонавий технологиясидан фойдаланилган. Янги робот-қурувчи шинам нозимлик пунтидан бошқарилади.

Янги робот махусе узунричаг билан таъминланган бўлиб, унинг шакллари

ҚУРУВЧИ РОБОТ

ри ва улчами муайян вазиқлардан келиб чиқиб узариб туради. «ТАМИР» тадқиқотчилари уни уч иш тури: ички деворлар ва тўсиқлар қуриш; шукатурка қилиш ва буюш; керамика ва кафел плиткалари қўйишни бажаришга ургатадилар. Қуриш турида, қуришнинг ҳар бири қурилиш мутахассисликларининг катта мажмуини ўз ичига олади.

Ишланмалар Хайф Технони ҳузурдаги фуқаролик қурилиш факультетидан доктор Йехиэль Розенфельд ва доктор Рони Навон раҳбар-

лигида амалга оширилди. Робот устидан ишланмалар пайтида роботнинг муъжаз моделлари билан, шунингдек компьютердаги симуляция ерламида қатор лаборатория текширишлари ўтказилди. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур робот жуда зарур, чунки қурилишдаги қатор жылдий муаммолар — қурувчиларнинг тез толиқиши ва ишнинг бир маромдалиги, бунинг натижасида вуқудга келадиган хатар, атроф муҳитнинг ифлосланишини ҳал қилиш имконини беради — буларнинг барчаси бажарилаётган иш сифатида қурилади.

(«Исроил ахборот бюллетени»дан).



Мустақил элдошларимизнинг унутилган қадриятларини тиклади, эзу ишларига йул очди. Яна юртимиз обод, гузар ва кўчаларимиз бир-бириндан гўзал ва шарқона қиёфа бахш этади. Биргина Наманганда қанча иморатлар қад кўтариб, шаҳар-қишлоқлар бўйиб этилди, янги йўллар, бозорлар, шифохоналар, маърифат максаалари қурилади. Уйчи «Агрошарсерс» очоқ ҳисобидан жамияти савдо маркази ва туман молия бўлими бинолари ана шу бўйбўрлик ишларидан бири сифатида қадри ва азидир. Ушу маъмурий бинолар ўзининг шарқона қиёфаси ва гўзаллиги билан халқ дилига яқинлади.

СУРАТЛАРДА: Уйчининг бутунги қиёфаси. П. АҚБАРОВ олган сураатлар.

БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ

Олтириқ туманидаги Катпуг қишлоғида врачлик пункти очилди. Мукамал тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу шифо масканида беморларни даволаш учун барча қўлайликлар яратилган. Йил бошидан буён Фаргона вилояти қишлоқларида еттига шундай шифохона ишга туширилди.

Ўзбекистон туманидаги қул-лаш қишлоғида қуриб битказилган янги мактаб беш юз нафар болани ўз бағрига олади. Бунда вилоят комплекс қурилиш боршармаси ҳамда тумандаги «Пахтақайнар» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳиммати кўрсатди. Мактабда ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилган. Бу ерда кутубхона, спорт майдончалари ва суғиш ҳавзалари мавжуд.

Оққурғон тумани марказида қарийб уч юз уринга мулкжалланган дехқон бозори ишга тушди. Шарқона услубда бунёд этилган бозорда йигирмадан ортик савдо растаси ва элликча экин тижорат дўкони бўлиб, харидор ва сотувчилар учун барча қўлайликлар яратилган.

Қува тумани марказий маданият уйи қошидаги «Анор-дустас» Миср Араб Республикасида ўтказилган фольклор жамоалар фестивали қўлиб бўлди. «Анор» жамоаси мана ўттиз йилдирки, халқ хизматида. Унинг репертуарида ўзбек куйи ва қўшиқлари, лапар ва яллари билан бир қаторда хоржий халқлар куйи ва қўшиқлари, рақсларица ҳам катта ўрин беришган.

ШОҲБЕКАТ КЎРКИ

Бундан юз йил муқаддам қурилган Қўқон шаҳар темир йул станцияси бекати йўловчилар талабига жавоб бермасди. Шу боис, 1997-ж. йили манфаатлари йилида янги шохбекат биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қисқа фурсатда Ўзбекистон темир йуллари давлат ҳиссасдорлик жамиятининг Фаргона бўлимига қарашли «Индуст» қурилиш бўлими, «Локомотив» вагон депоси жамиятининг Одилжон Ҳасанов етажчилик қилаётган қуриш-монтаж поезди жамоалари 150 миллион сумдик бинокорлик ва монтаж ишлари бажардилар.

Янги объект мудатидан илгари фойдаланишга топширилди. Шарқона услубда қурилган бу бекаат замонавий техника хизмати курсатип ускуналари ва чиройли меъбеллар билан жиҳозланган бўлиб, йўловчиларга барча қўлайликлар яратилган.

Р. МЕЛИБОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Навоийдаги «Гушгустанога» ишлаб чиқариш савдо компаниясига қарашли суг заводида «Адолат» харид-савдо фирмаси ташкил этилди. Фирма аҳолидан нақд пулга суг харид қилиб заводга топширади. Бунинг эвазига эса сариёғ, сметана, қатик каби тайер махсулотни олади. Махсулотлар фирма дўконларида сотилади. Ҳозир корхонада пиллоқ таёрланганидан цех қурилиши ниҳосига етказиланти.

Қува таъмирлаш механика заводи қошида ташкил этилган янги цехда маҳаллий хомашдан ўн турда уй-рўзгор ва кабинет жиҳозлари ишлаб чиқарила бошлади. Ҳозирдаёқ қарийб уч миллион сумлик махсулот тайёрланди. Эллик нафардан кўпроқ ёш иш билан таъминланди.

MANZILIMIZ: 700083, TOHKENT, MATBYOTCHILAR KUCHASI, 32. TELEFONLAR, Muхаррир уринбосари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масыул котиб — 1-33-09-93. Дехқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.